



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июнь куни Америка Қўшма Штатлари Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Майкл Курилла бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали

ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий ҳавфсизлик соҳасидаги амалий алоқаларни давом эттиришнинг долзарб

масалалари қўриб чиқилди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий

тикланишга, шу жумладан, устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашиш борасидаги ташаббус

ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

СТАНДАРТЛАШТИРИШ
СОҲАСИДАГИ ИШЛАР
КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июнь куни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги самарадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Истеъмол маданияти ривожланган бугунги кунда сифат биринчи ўринга чиқмоқда. Бу борада бутун дунёга тушунарли “тил” бу — стандарт.

Мамлакатимизда ҳам барча соҳаларда халқаро андозалар жорий этилмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида “Global G.A.P.” ва “Organic”, тўқимачиликда “Oeko-Tex” стандарти асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда. “GSP+” тизими доирасида 6 минг 200 турдаги маҳсулотларни Европа Иттифоқига божсиз экспорт қилиш имконияти яратилди.

Бу соҳада жаҳон бозорига мувофиқликни таъминлаш мақсадида, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 июндаги фармони асосан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига ўтказилиб, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги сифатида қайта ташкил этилган эди.

Лекин бу соҳанинг ўзида сифатни ошириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ишлаб чиқарувчиларга йўл кўрсатиб, экспортни кўпайтириш бўйича ҳали ўзгариш сезилмаяпти. Стандарт, карантин, ветеринария идоралари ҳамда гигиеник лабораториялар ягона сиёсат юритмасдан, тадбиркорга қўмакчи бўлмаяпти. Худудларда 150 та лабораторияга эҳтиёж мавжуд. Мисол учун, қурилган мевани экспорт қилиш учун 27 хил таҳлил қиладиган лаборатория керак. Лекин биронтаям бундай муассаса йўқ. Кўп тадбиркорлар бу муаммоларни маҳсулотини Европага олиб бораганидан кейин билапти.

Шу боис, йиғилишда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида самарадорликни ошириш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларида замонавий услубларни жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва тармоқ раҳбарларига ҳар бир маҳсулот бўйича масалани чуқур ўрганиб, керакли стандартларни жорий

қилиш ва лабораторияларни янгилаш вазифаси қўйилди. Бу орқали халқаро стандартларга мос корхоналар сонини 3 баравар ошириб, 1 минг 200 тага етказиш мумкин.

Хусусан, Чирчиқдаги “Ўзтекс” корхонасида маҳсулотларни Европа талаблари асосида синовдан ўтказиш йўлга қўйилгач, экспорти ошган. Президент бундай лабораторияларни тўқимачилик, чарм-пойабзал, электр техникаси, машинасозлик ва кимё саноати корхоналарида ҳам ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Йил якунигача саноат соҳалари бўйича 27 та халқаро кўргазмада иштирок этиб, тадбиркорларни Европа бозорига олиб чиқиш юзасидан кўрсатма берилди.

Аграр тармоқда ҳам ижобий тажрибалар бор. Масалан, Самарқанд туманидаги “Сам фрут” корхонасида мева-сабзавот ва кўкатларни даладан экспортга тайёрлашгача бўлган жараён халқаро талабларга мослаштириш вазифаси қўйилди. Бу йил корхона Европага 10 миллион доллар экспорт қилишни режалаштирган.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, мева-сабзавот етиштирилаётган 200 минг гектар майдонни халқаро талабларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон ва вилоят марказларидаги 14 та лабораторияни халқаро аккредитациядан ўтказиш, 13 та ҳудудий агрокимё лабораториясини замонавий жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат божхона қўмитасига экспорт, импорт ва транзит бўйича барча сертификат ва рухсатномаларни “Ягона дарча” ахборот тизими орқали йўлга қўйиш топширилди.

Корхона ва ташкилотларнинг 3 минг нафар мутахассисларини стандартлаштириш соҳаси бўйича қўшимча ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАРМОҒИНИ
КЕНГАЙТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 июнь куни Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилиши билан танишиш чоғида жамоат транспорти тармоғини кенгайтириш ва метрополитен инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

13 июнь куни ушбу ишларни ташкил этишга қаратилган лойиҳалар тақдироти билан танишилди. Жумладан, қурилаётган ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичини давом эттириб, Сергели йўналиши билан боғлаш, замонавий қурилиш услубларини татбиқ этиш, метро поездларини янгилаш, йўловчи оқимини янада ошириш режалари ҳақида ахборот берилди.

Маълумки, ер усти метросининг иккинчи босқичи доирасида бешта бекатни шу йил якунида ва қолган

иккитасини келгуси йил Наврўзда ишга тушириш мўлжалланган. Бу орқали 62 та маҳалладаги 250 мингга яқин аҳоли метрополитен билан қамраб олинади.

Давлатимиз раҳбари барча йўлларда инсонларга қулайлик ва ҳавфсизлик биринчи ўринда бўлиши лозимлигини таъкидлади. Метрополитен учун 14 та янги поезд олиб келиш, йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб

чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда метрополитенни комплекс ривожлантириш ҳамда Транспорт университети билан биргаликда профессионал кадрлар тайёрлаш учун хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкентда жамоат транспорти етиб бормаган 26 та маҳаллага автобус йўналишлари очилиб, метро билан боғланади. Бунинг учун қўшимча электробуслар харид қилинади.

Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент вилоятидан пойтахтимизга кунига 1 миллиондан зиёд йўловчи кириб келади. Уларни метро бекатларига йўналтириб, ҳам аҳолига, ҳам транспортларга енгиллик яратиш зарурлиги айтилди.

Замонавий электропоездлар келтириб, “Тошкент — Хожикент”, “Тошкент — Бекобод” ва “Тошкент — Ангрен” йўналишида тезурак катнов йўлга қўйилиши белгиланди.

Янги метрополитен йўналиши бўйида жойлашган маҳаллаларни ободонлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Лойиҳаларни такомиллаштириб, қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ҚОҶИРА АНЖУМАНИ:
ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ИСЛОМ
УЛАМОЛАРИ ЭЪТИРОФИДА

Миср кўхна диёр, буюк тарих ва ғоялар орасидаги курашларга шохид энг қадимий ибрат саҳнасидир. Ушбу замин ҳақида Қуръони каримда ҳам беш оятда ишора келган. Илим ва ҳикмат гулшани бўлган бу юртда минг йилдан зиёд тарихга эга Азҳари шариф дорулфунуни мусулмон дунёсига йирик уламоларни етиштириб бериши билан маълуму машхур. Айни дамда ҳам Ал-Азҳар мусулмон оламидаги энг обрўли таълим даргоҳларидан биридир.

Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстона ҳамкорлик кўп асрли бой тарихга эга. Мовароуннаҳр ва Миср диёрида яшаб ижод қилган улў бобокалонларимизнинг ноёб илмий-маърифий мероси бутун мусулмон олами бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Буюк ажоддимиз Аҳмад Фарғоний Мисрда яшаб, кўплаб кашфиётлар қилган. Жумладан, аллома бунёд этган, Нил дарёси сувини ўлчаيدиган “Микёси Нил” иншооти Миср халқи фаровон ҳаёти ва давлат тараққиётига хизмат қиладигани эътиборлидир.

Нил бўйида Аҳмад Фарғоний шарафига ўрнатилган мажмуа халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин рамзига айланган.


Мана шу ҳамкорликнинг узвий давоми сифатида 2022 йил 6-10 июнь кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров Мисрда ўтказилган “Диний экстремизм. Интеллектуал асос ва уни енгish стратегияси” мавзусидаги халқаро анжуманда қатнашди.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАНДАЙ
БЎЛИШИ КЕРАК?

Президентимиз 2021 йил лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқида “Инсон қадри учун” устувор тамойилини тўла рўёбга чиқаришга эътибор қаратиб: “Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва ҳавфсиз ҳаёт кечиришини, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ташкил этишини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз”, дея таъкидлаганди.



Давоми 3-бетда



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ҚОҶИРА АНЖУМАНИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ИСЛОМ УЛАМОЛАРИ ЭЪТИРОФИДА



Бошланиши 1-бетда

Тадбирда йирик уламолар, АҚШ, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликларининг таниқли олимлари, Болгария, Нигерия, Индонезия, Бельгия, Бахрайн, Ироқ, Иордания, Ливан, Сингапур, Қозоғистон сингари давлатлар муфтийлари, исломшунослар, экспертлар ва соҳа ходимлари каби жами юздан зиёд нуфузли меҳмонлар иштирок этди.

Анжуман юқори даражада ташкил этилиб, экстремизмга қарши кураш йўналишидаги кўргазмалар, электрон китоблар намойиши, аудио-видеомаърузалар, инфографикалар ва тарқатма материаллар тақдим қилинди. Анжуман ишини 50 дан зиёд марказий оммавий ахборот воситаси ёритиб борди.

МУНОСАБАТ

Кўпнинг олқиши ҳар биримизда мамнуният ва фахр туйғусини жўш урдирмоқда

Бугун мамлакатимизда инсон кадрини юксалтириш гоёасига асосланган ислохотлар жараёнида ёши улугъ кишиларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром кўрсатилиб, улар учун қатор имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Айниқса, нурунийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини сақлаш, умрини узайтириш ва ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун амалга оширилаётган улугъвор саъй-ҳаракатлар давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани нафақат кексаларни, балки бутун халқимизни мамнун этмоқда.

Содиққон ТУРДИЕВ,
маҳалла ва нурунийларни
қўллаб-қувватлаш
вазирининг биринчи
ўринбосари, “Нуруний”
жамғармаси республика
бошқаруви раиси



Таъкидлаш керак, кейинги вақтларда кексаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 10 дан ортиқ қонун ҳужжати нурунийларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундан бир ой муқаддам, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида барпо этилган “Уч авлод боғи”ни бориб кўриб, ўша ернинг ўзида нурунийлар, маҳалла фаоллари билан самимий суҳбатлашди. Президентимиз мулоқотда: “Шундай замон келяптики, маҳалла ҳақиқий куч бўляпти. Масала ҳал бўлаётганини халқимиз сезаяпти”, деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки. Маҳаллалар равнақи мамлакатимиз тарақиёти, эртанги фаровон келажакимизнинг мустақам пойдевори ҳисобланади. Шу боис, маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қиёфасини тубдан яхшилашга қаратилган янгидан-янги гоё ва ташаббуслар илгари сурилиб, аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Айниқса, маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар, якка-ёлғиз инсонлар меҳр ва эътибор марказида. Кекса авлод вакилларига бўлаётган алоҳида ғамхўрлик ва иззат-ҳурмат нурунийларимизнинг кучи-

га куч, ғайратига ғайрат қўшиб, умрини узайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз жорий йил 15 март куни имзолаган “Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ҳам мамлакатимизда кекса авлод вакилларига алоҳида эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Қарорда кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ёши улугъ инсонларнинг соғлигини сақлаш, уларнинг дам олиши, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхат ва зиёратларга бориб кўнгил ёзиши ва ҳаётини мазмунли ўтказиши билан боғлиқ вазифалар ҳам алоҳида назарда тутилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, улар ҳолидан хабар олиш, ижтимоий, маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкил этиш, якка-ёлғиз яшовчи кексаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур дори-дармонлар тарқатиш, ҳашар йўли билан

уй-жойларини таъмирлаб бериш, ётиб қолган нурунийларни йўқлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш эзгу анъанага айланиб бормоқда.

Бу ўринда, биринчи навбатда, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган фуқаролар ва якка-ёлғиз кексаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифати кескин яхшиланигани, муҳтож кексалар ва ногиронларни сифатли ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш даражаси оширилганини ва тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техник базаси мустаҳкамланганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига алоҳида эътибор қаратилиб, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уларга ҳар йили пул мукофотлари ва эсдалик совғалар топширилмоқда. 2018 йили биринчи бор 72 нафар уруш қатнашчиси муборак Ҳаж сафарига ўз кузатуви билан бирга бориб, муслмонлик фарзини бажариб келиши учун давлат ҳисобидан катта маблағ сарфланган, сафардан қайтган, Кисловск шаҳридаги “Ўзбекистон” санаторийси ва юртимиздаги сихатгоҳларда бепул даволаниши ва дам олишига шaroит яратиб берилди.

“Саховат” ва “Мурувват” уйларида истиқомат қилаётган отахон ва онахонлар давлатимизнинг доимий эътибор марказида экани ҳам юртимизда ёши улугъ инсонларни эъзозлаш ва ардоқлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги ишлар юқори босқичга кўтарилганидан далолатдир.

Чиндан ҳам, ёши улугъ кишиларни қадрлаш, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш, бирор масалани ҳал этишда уларнинг панд-насихатлари, ўғит ва маслаҳатларини олиш донишманд халқимизга хос азалий қадриятдир. Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунга келиб, ушбу боқий қадрият янгича мазмун-моҳият билан бойитилган ҳолда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Zero, кекса авлод вакиллари давлат томонидан тизимли равишда қўллаб-қувватлаб келинаётгани дунё амалиётида камдан кам учрайдиган ижтимоий ҳодиса.

Президентимизнинг шу йил 8 июнь куни имзоланган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда

тириш ва бузғунчи гоёаларга қарши туриш борасида Ўзбекистон тажрибасини баён этди.

Маърузада сўнгги йилларда юртимизда диний экстремизмга қарши кураш йўналиши-

даги ислохотлар мазмун-моҳияти, хусусан, минглаб фуқароларнинг махсус рўйхатдан чиқарилиши, қилмишидан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтганларни афв этиш амалиёти ҳамда можароли ҳудудлардан аёллар ва болаларни юртимизга қайтариш борасидаги “Меҳр” операциялари мақсад ва самаралари баён қилинди. Бундай ўзига хос тажриба тадбирнинг барча иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Шунингдек, “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида Президентимиз томонидан экстремизм гоёлари таъсиридан аҳолини ҳимоя қилишда соф ислом ақида-сини кенг ёйишга эътибор қаратилаётгани, бундай шахсларга нисбатан кечиримлилик сиёсати юритилаётгани ва унинг самаралари, ёшлар турли ёт оқимларга берилиб кетмаслиги учун тегишли чоралар кўрилаётгани таъкидланди. Халқ эътиқоди софлигини сақлаш ишлари нафақат мамлакат ичкарисида, балки ташқарисида ҳам фаол амалга оширилаётганига барчанинг эътибори қаратилди.

Қуръони каримни ўрганишга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида тажвид курслари ташкил этилгани иштирокчиларнинг қизиқишини уйғотди.

Халқаро анжуман доирасида муфтий Нуриддин Холиқназаров ҳамда Миср муфтийси Шавқий Аллом ўртасида учрашув ташкил этилди.

Унда Мисрдаги Дорул Ифто ва Ўзбекистон муслмонлари идораси ҳузуридаги Фатво маркази ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, диний соҳа мутахассислари малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда долзарб мавзуларда замонавий фатволар ишлаб чиқиш юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

Муфтий Нуриддин Холиқназаров Мисрда таҳсил олаётган бир гуруҳ ватандош-талабалар билан учрашди. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган

ушбу мулоқотда юртимизда кечаётган ислохотлар хусусида ўртоқлашилди.

Қалбдаги Ватанга муҳаббат ҳар бир инсонни доимо юртига талпиниб яшашга чорлаши ҳамда туғилган гўшаси, ота-онаси ва фарзанду яқинларини соғинишга ундаши таъкидланди. Расул алайҳиссалом, саҳобаи киромлар ва улугъ зотлар ҳам она юртга ўзгача муносабатда бўлганлари тарихий мисоллар орқали баён этилди.

Дин соҳасидаги улкан хайрли ишлар, хусусан, мўмин-муслмонларнинг шаръий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар эътироф этилди. Иштирокчилар ўзлари яшаб турган мамлакат қонунарига қатъий амал қилишга чақирилди.

Мулоқот давомида Мисрдаги юртдошларимиз ҳам сўзга чиқиб, давлатимизда дин соҳасидаги ўзгаришлардан жуда мамнун эканини билдириб, бундай хайрли ишлар бардавом бўлишини тиладилар.

Талабалар мазмунли учрашув учун миннатдорлик билдириб, файзли суҳбат Ватанини соғинган қалбларга таскин бўлгани, айниқса, шу каби ташрифлар фойдали бўлиши, келгусида илм ўрганиб, тажриба ҳосил қилган, албатта, юртга қайтиб, халқимизнинг диний-маърифий савиясини ошириш йўлида фаолият юритишини маълум қилишди.

Буюк ватандошимиз, муҳаддислар султони Имом Бухорий каби улугъ зотлар маърифат излаб дуненинг турли улкаларида бўлган эсарларда, алал-оқибат, ватанга қайтганлар, унинг тупроғини кўзларига тўтиё қилганлар. Халқ хизматида собитқадам турганлар.

Инсон қаерда ва қайси мақомда бўлмасин, доимо Ватанга муҳаббатли, ота-онаси, фарзандларига садоқатли бўлмоғи лозим.

Буюк аждодларга муносиблик — шу!

Энг олий ватанпарварлик — шу!

Силайи раҳмининг олий намунаси — шу!

Янги Ўзбекистонда гоёвий таҳдидларга қарши кураш йўналишида эришилган, эришилаётган улкан натижалар ва тўпланган тажрибаларнинг халқаро даражада эътироф этилиши ҳам танланган йўлнинг нақадар тўғри ва собитқадам эканига далолат қилади.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жорий йил 85 ёшини қарши олган отахон олийгоҳимиз — Ўзбекистон давлат консерваториясининг юбилей санаси ўзгача руҳда нишонландики, бу нафақат муассаса жамоаси, балки барча санъаткорлар, маданият соҳаси вакиллари — да тўлқинлантириб юборди. Қолаверса, ШХТга аъзо давлатлар мусиқий олий таълим муассасалари ректорларининг биринчи форуми ҳам айни масканда бўлиб ўтгани унинг нуфузини яна бир қарра оширишга хизмат қилди. Форум иштирокчилари ҳам юбилейда қатнашиб, консерваториямиз шаънига самимий, гўзал фикрлар билдирганидан бошимиз кўкка етди.

СИЙЛАНГАН ЖОЙИДА АЗИЗДИР ОДАМ



Авазбек МАНСУРОВ,
Ботир Зокиров номидаги
Миллий эстрада
санъати институти
ректори, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган маданият
ходими

Соҳага муносиб вакиллар тайёрлаш борасидаги катта хизматлари учун бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар Президентимиз томонидан муносиб тақдирлангани эса консерваториянинг 85 йиллик тўйига ажойиб тўёна бўлди. Zero, уларнинг ҳар бири узоқ йиллардан буён шу дароҳга сингшиб, машаққатли меҳнати билан жамоада кадр топлангани ҳеч ким инкор этмайди.

Давлатимиз раҳбарининг табриги ўқиб эшиттирилаётганида, бу муқаддас, отахон даргоҳ оstonаси ўз уйим оstonасидек азиз экани ва шу ердан ризқ топаётганимдан тўлқинланиб кетдим. Айниқса, таъриқда мусиқа санъатининг маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятлар-

га эга экани тилга олингани мусиқанинг қудрати, илоҳий кучининг юксак эътирофи бўлди.

Кейинги 5 йилда маданият ва санъат билан боғлиқ байрам тадбирларининг кети узилмаяпти. Санъат, маданият ходимларини ўзига хос, тизимли рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор берилляпти. Янгиланишларнинг ҳаммасини тилга олишнинг имкони йўқ. Лекин 2 та тарихий воқеа ҳақида тўхталмай бўлмайди.

2020 йилда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти очилган эди. Утган йили эса Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилди. Ушбу институтга ректор этиб тайинланган эдим. Бугун эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирландим. Бундай эътироф, эътибор ёш авлодни муносиб тарбиялашга хисса қўишга, бу йўлда кўпроқ изланишга чорлайди. Zero, эстрада-жаз мусиқасига ихтисослаштирилган бундай институт бошқа мамлакатларда йўқ. Шогирдларимиз профессионал даражада тайёргарлик мактабини ўтаб, катта сахналарга чиқмоқда. Улар шу йўналишда ҳам Ўзбекистон номини юксакларга кўтарди, албатта. Қисқача айтганда, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда мусиқа санъати ҳам алоҳида ўрин тутишини кўрсата олишимиз учун юртимизда барча имконият ва шарт-шароитлар мавжуд. Улардан салохиятимиз қадар фойдаланамиз, соҳанинг етуқ вакиллари сафини кенгайтираимиз.

Камтарона ижодий меҳнатим эътиборга тушиб, юксак давлат мукофотида лойиқ кўрилганим учун Президентимизга миннатдорлик билдираман. Сийланган жойида азиздир инсон, деганларидек, инсонлар, уларнинг меҳнати қадрланаётган юртимизда чиройли ва мазмунли ҳаёт кечириб, сийланган ҳаммамизга насиб этаверсин! Инсон қадрини улуғлашнинг энг чиройли кўриниши ҳам шудир, аслида.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Янги Ўзбекистон конституцияси қандай бўлиши керак?



Мирзаюсуф РУСТАМБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети бошлиғи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
юрист, юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

“ХАБЕАС КОРПУС”, “ХАБЕАС ДАТА” (ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ ШАХСИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ҲУҚУҚИГА ЭГАЛИГИ) ИНСТИТУТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭҶТИЁЖИ ТУГИЛМОҚДА.

Кейинги йиллардаги туб ислохотлар — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг амалда чинакам халққа хизмат қилиши, Халқ қабулхоналари орқали халқ дарди ва муаммолари тўғридан-тўғри эшитилиши, уларнинг жойида ҳал этилиши, давлат хизматлари йўлга қўйилиши, халқ давлат идораларига эмас, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг халққа хизмат қилиши тамойили амалиётга тўла жорий этилиши Ўзбекистон чинакам ижтимоий ҳуқуқий халқпарвар давлатга айланаётганини кўрсатмоқда.

Шундай экан, бугунги кунда тўла асослар билан айтиш мумкинки, янгиланаётган Конституциямизга “Ўзбекистон ижтимоий-демократик давлат”, деган меъёрни киритиш айни муддао бўлар эди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш кишилик жамияти тараққиётининг асосий ва бош масалаларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у давлатнинг қай даражада ривожланганини кўрсатувчи ўзига хос мезондир. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Бу ҳам давлатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимининг устувор йўналиши ва мақсадидир.

Шу маънода, Конституцияга киритилаётган ўзгаришларда инсон ҳуқуқини таъминлашга бағишланган қуйидаги мазмундаги конституциявий қоидалар жой олишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблардик:

биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари туғилиши билан унга тегишли бўлиши, мутлақ ва ажралмас деб тан олиниши;

иккинчидан, инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида юзага келадиган, қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар инсон фойдасига талқин қилиниши;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосан ҳамда Конституцияга мувофиқ тан олиниши ва қафолатланиши;

тўртинчидан, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин ривожлантириш ҳуқуқига эгаллиги, қонун билан тақилланмаган ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмайдиган барча ҳаракатларни қилиши мумкинлиги.

Шунингдек, “Хабеас корпус”, “Хабеас дата” (ҳар бир инсон ўз шахсига доир маълумотлар ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эгаллиги) институтларининг конституциявий асосларини ривожлантириш эҳтиёжи туғилмоқда.

Ватанимиз келажаги, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи, халқимизнинг эртанги кун, энг аввало, фарзандларимиз қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига, уларнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқдир. Шундай экан, демократик

Бош қонунимизда давлатнинг иқтидорли ёшлар, уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, таълимни давом эттиришини қафолатлаш мажбуриятини қайд этиб ўтиш зарур. Зеро, иқтидорли ёшлар жамият ва давлатнинг олтин фонди, келажаги ҳисобланади.

тайёрлаш, уларнинг иқтидор ва қобилиятини ўз вақтида аниқлаш, онгини ривожлантириш, ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Конституцияга киритилаётган ўзгаришларда давлат ҳар бир боланинг мактабгача таълим ташкилотига умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини таъминлаш мажбуриятини қатъий ёзиш, шунингдек, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим давлат ва хусусий таълим муассасаларида олиб борилишини ўрнатувчи нормалар ўрин эгаллаш муҳим аҳамиятга эга.

Бош қонунимизда давлатнинг иқтидорли ёшлар, уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, таълимни давом эттиришини қафолатлаш мажбуриятини қайд этиб ўтиш зарур. Зеро, иқтидорли ёшлар жамият ва давлатнинг олтин фонди, келажаги ҳисобланади.

Конституцияга киритилаётган ўзгаришларда экологик муносабатларни мукамал тартибга солиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишда Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар жараёнида бош ғоя сифатида, энг аввало, атроф табиий муҳитнинг софлиги, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши керак. Фуқаролар нормал ва соғлом ҳаёт кечириши, меҳнат фаолияти билан шугулланиши учун уларни ўраб турган атроф табиий муҳит — атмосфера ҳавоси, сув, ўсимлик дунёси, тупроқ тоза, инсон соғлиғига зарарли таъсир этмайдиган сифат ва ҳолатда бўлиши лозим. Шу сабабли Конституциянинг инсон ва фуқаролар асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилашга бағишланган иккинчи бўлимга инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга, атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақида ҳаққоний ахборотга эга бўлиш, ўз соғлиғига, мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туйғули етказилган зарарнинг ўрни қоплашини ҳуқуқига эгаллигини ёзиш керак.

Конституцияга киритилаётган экологик муносабатларни тартибга солишга бағишланган қўшимча ва ўзгаришларда алоҳида норма сифатида “Давлат экологик мувозанатини, тирик табиатнинг турлари ва генетик фонддини сақлаш, экологик хавфсизлигини таъминлашни қафолатлайти” тахриридаги алоҳида қоида ўз ифодасини топиши керак.

Умуман олганда, сўнгги беш йилда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳаларда кечаётган ислохотлар янги Ўзбекистоннинг инсон қадрни улуғладиган халқпарвар Конституциясини яратиш учун асос бўлади.

Мамлакатимизда конституциявий ислохотлар “Инсон қадрини ўқун”, “Инсон — жамият — давлат” ҳамда “Инсон — олий қадрият” тамойиллари асосида амалга оширилмоқда.

Қувонарлиси, Бош қонунимизга кенг жамоатчиликдан тушаётган таклифлар таҳлили халқимизнинг ислохотларга дахлдорлик ҳисси ва иштиёқи ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Ташаббускорлар — қонунчилик илмига эга олимларгина эмас, турли соҳа эгалари, оддий одамлар ва ёшлар экани фикримиз тасдиғидир. Ўз навбатида, ҳеч бир таклиф эътибордан четда эмас.

ТАКЛИФЛАР ТАҶЛИЛИ жамоатчилик назорати янада жадаллашаётганини кўрсатмоқда



Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Конституциявий комиссия
аъзоси

СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 13-МОДДАСИДА СОЛИҚ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ХУҶЖАТЛАРИДАГИ БАРЧА БАРТАРАФ ЭТИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР ВА НОАНИКЛИКЛАР СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ФОЙДАСИГА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН. ЭНДИ БУ МЕЪЁРНИНГ ҚЎВВАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ УЧУН УНИ КОНСТИТУЦИЯ ДАРАЖАСИДА МУСТАҲҚАМЛАШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА.

Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг навбатдаги ййилишида ҳам бу ҳақда алоҳида эътироф этилди. Комиссия ййима ахборот-таҳлил гуруҳи атрофлича ўрганган ва комиссияга тавсия этиладиган таклифлар бўйича маълумот берилар экан, уларнинг туб мазмун-моҳияти айнан инсон ва унинг қадр, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, шу юртда эмин-эркин яшаб, фаровон турмуш кечириши, ҳуллас, ҳаётдан рози бўлишни таъминлашга қаратилгани билан диққатга сазоворлиги қайд этилди.

Хусусан, Конституциямизнинг 13-моддасига киритиш таклифи илгари сурилмаётган, инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида барча қарама-қаршилик ва нонаникликлар инсон фойдасига талқин қилиниши ҳақидаги нормани олайлик. Аввало, ушбу меъёр жуда ўринли, ҳар томонлама ва пухта ўйлан-

инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқро нормаларга асосан ҳамда Конституцияга мувофиқ тан олиниши ва қафолатланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмаслиги, у дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилгандан тегишли экани каби нормалар ҳам мустаҳкамланиши керак, назаримизда.

Зеро, мамлакатимизда инсон қадрни ҳамма нарсадан муқаддас ва дахлсиздир. Қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари ҳеч ким уни ҳуқуқларидан маҳрум этишга ҳақли эмас. Ҳеч ким инсоннинг шахсий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашини, оилавий сир-асрорларни ошкор этиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига таъовуз қилиши мумкин эмас. Инсонни қамситиш, обрўсизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳдирлаш қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат ҳисобланади.

Аминмани, бундай нормалар фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда кучли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академияси Давлат ва
ҳуқуқ институти бош илмий
ходими, юридик фанлар
номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 6 ноябрь кунини ўтказилган инаугурация маросимида сўзлаган нутқида мамлакатимизда конституциявий ислохотлар ўтказишга эҳтиёж мавжудлигини таъкидлаб ўтди:

“...Агар дунё таърибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида қўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамыз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий таърибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мамлакатда конституциявий ислохотларни тақозо этувчи икки турдаги омилни уч-

ратиш мумкин. Биринчиси — глобал ва минтақавий қўламдаги ташқи омиллар, иккинчиси — давлат ва жамият ҳаётини янгиллаш билан боғлиқ ички омиллар. Биринчи ҳолат, айниқса, охириги пайтларда минтақавий интеграция жараёналари оқибатида бир қатор ислохотларга дуч келган Европа Иттифоқи давлатлари мисолида кўзга ташланади. Иккинчи ҳолат, кўпроқ, ўз давлат мустақиллигини мустаҳкамлаётган ва шу йўлда давлат ва жамият қурилишининг кейинги босқичи томон ривожланишга интилаётган давлатларда кузатишмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтлари, сўз эркинлиги ҳамда очиқ жамият қуриш соҳасида олиб борилаётган сиёсат, табиийки, тизимли ислохотлар ва уларнинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу боис, миллий ҳуқуқий тизимлар пойдевори бўлган Конституция ислохотларнинг биринчи халқасидан жой олади.

Албатта, бугунги ислохотлар марказида фуқаролар манфаатлари ётар экан, инсон қадриятлари ва унинг имкониятларини рўйбга чиқарувчи ҳуқуқлар ва эркинликлар бу жараёндан четда қолиши мумкин эмас. Ҳозирги кунда бутун дунёда инсон ҳуқуқлари умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилган, ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизим марказида

инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ўрин олган. Шундай экан, ҳар бир демократик давлат ўзининг конституциявий инсон ҳуқуқлари каталогини муттасил кенгайтириб боришга ҳаракат қилмоқда.

АҚШ Конституциясига киритилган 27 та ўзгаришнинг дастлабки 10 таси инсон ҳуқуқларига бағишланган. Мазкур ўзгаришлар “Ҳуқуқлар тўғрисида Билл” (Bill of Rights) номи билан машҳур.

ЎЗБЕКИСТОН БЕҲИСОБ ТАБИЙ ЗАХИРАЛАРГА ВА ЎЗИГА ХОС ЭКОЛОГИК МУҲИТГА ЭГА МАМЛАКАТДИР. АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАСИ САНАЛАДИ. ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА, АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИЯГА ОИД КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АЙНИ МУДДАОДИР.

1947 йил 3 майда кучга кирган Япония Конституциясининг 30 та моддадан иборат III боби (Халқнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари) инсон ҳуқуқларининг барча қирраларини қамраб олади.

Жаҳон таърибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқларига оид нормаларини янада такомиллаштириш, жумладан, хориждаги ватандошлар

Асосий қонунда хориждаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини акс эттириш Ўзбекистон халқи ва миллати миз жипслигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда хориждаги ватандошларга Ўзбекистон халқининг таркибий қисми сифатида мақом бериш ҳақида ўйлаб қуриш вақти келди. Мамлакатимиз истиқболни белгилашда уларнинг фикри ҳам эътиборга

олинишининг конституция қўламида таъкидланиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда экологик муаммолар миллий ва халқро миқёсда энг долзарб масалаларга айланган. Глобал иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, қуроқчилик, атроф-муҳит ифлосланиши ва бошқа экологик муаммолар бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини талаб этмоқда. Таҳлиллар Ўзбекистон Конституциясига атроф-муҳит муҳофазасини янада кучайтириш учун қўшимчалар киритиш зарурати борлигини кўрсатмоқда.

Фикримизча, амалдаги Конституциямизда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масаласи етарлича ўз аксини топмаган. Асосий қонуннинг санокли моддаларида (50, 55, 100-моддаларида) атроф-муҳитга оид қоидаларни учратишимиз мумкин, холос.

Ўзбекистон беҳисоб табиий захира-ларга ва ўзига хос экологик муҳитга эга мамлакатдир. Атроф-муҳитни асраб-авайлаш миллатнинг келажақ олдидagi муҳим вазифаси саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологияга оид конституциявий нормаларни такомиллаштириш айни муддаодир.

Хорижий таърибага назар солсак, 2008 йил 9 июлда Миллий ассамблея, 2008 йил 16 июлда Сенатда қабул қилинган, Конгресс томонидан 2008 йил 21 июлда тасдиқланган ва 2008 йил 23 июлда Франция Президенти томонидан промўлгация қилинган “V Республика институтларини модернизация қилишга оид конституциявий қонун” асосида Франция Конституциясига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларнинг аксарияти айнан атроф-муҳит ва экология масалаларига оид эди.

10 та моддадан иборат мазкур ҳартияда табиий захиралар инсоният пайдо

АҚШ КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛГАН 27 ТА ЎЗГАРТИРИШНИНГ ДАСТЛАБИ 10 ТАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН. МАЗКУР ЎЗГАРТИРИШЛАР “ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА БИЛЛ” (BILL OF RIGHTS) НОМИ БИЛАН МАШҲУР. 1947 ЙИЛ 3 МАЙДА КУЧГА КИРГАН ЯПОНИЯ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 30 ТА МОДДАДАН ИБОРАТ III БОБИ (ХАЛҚНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ) ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ БАРЧА ҚИРРАЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ.

бўлишига сабаб бўлгани, унинг келажаги ва ҳатто мавжудлиги табиий муҳит билан узвийлиги, атроф-муҳит тирикчилик асоси экани, одамлар уни сақлашга интилиши зарурлиги таъкидланган. Шахс, жамият, давлат органларининг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ва жамият бир маромада тараққий этар экан, ҳуқуқий тизимнинг асоси ҳисобланган Бош қонун ҳам, табиийки, ривожланиш тенденцияларига мос равишда ислох қилиниб бораверад. Энг муҳими, ислохотлар режаси пухта ишлаб чиқишлиши ва, албатта, халқ манфаатлари учун хизмат қилиши лозим.

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сув сайёрамиз ҳудудининг 70 фоизини ташкил этади. Бир қарашда жуда катта ҳажмдек туюлиши мумкин. Аммо ушбу миқдорнинг атиги 3 фоизи чучук сув, яъни ичиш учун яроқли. Қолаверса, сув захирасининг кўп қисми музликларда жойлашгани сабабли ундан фойдаланиш мушкул.

Глобал иқлим ўзгариши ва бошқа антропоген таъсирлар оқибатида дарёлар суви қамайиши кузатилаётганда. Аҳоли сони ўсиши, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мазкур ресурслардан самарали фойдаланиб, уни тежайдиган технологияларни яратиб ва ҳаётга татбиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Сув омборлари комплекс фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, халқ ҳужалигидаги қатор тармоқлар, электр энергияси, балиқчилик соҳалари эҳтиёжини қондиради. Бундан ташқари, тошқинларга қарши курашишда ҳам муҳим омилидир. Йил давомида дарё оқими ўзгариб туриши ва унинг ҳудуд бўйлаб нотекис тақсимлангани сабаб сув омбори барлоқ этишга зарурат пайдо бўлади. Боиси, сув омборлари оқимини фасллар ва йиллар бўйича тартибга солиш, канал ва бошқа сув ўтказиш иншоотлари орқали ҳудудлар бўйича қайта тақсимлашга шароит яратади. Ёгингарчилик миқдори кўп бўлган йилларда ортиқча сувини йиғиб, сув кам бўлган вақтларда эса захирадаги манбани ишлатишга имкон берадиган омилдан оқилонга фойдаланишда соҳани рақамлаштириш энг мақбул ечим бўлмоқда.

Президентимиз жорий йил 8 июнь куни сув омборларини модернизация қилиш ҳамда Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаларига оид тақдимот билан танилиши вақтида ҳам барча сув омборларини модернизация қилиш орқали уларнинг ҳавфсизлигини ошириш, шунингдек, гидромеханик ускуналар ва ўлчов қурилмаларини янгиллаб, тизимни рақамлаштириш бўйича муҳим курсатмалар берди.

Ҳозир мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари йил давомида 50-55 миллиард метр куб сув сарфласа, шундан 20-22 миллиард метр куб қисми 55 та йирик ва бир қанча кичик сув омборида жамланади. Демак, уларни самара-

ли бошқаришнинг қишлоқ ҳўжалигини сув билан таъминлаш ҳамда энергия ишлаб чиқаришдаги аҳамияти катта.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, техника фанлари доктори Малика Икромова сув омборлари иш режими ва лойқа босишини геоахборот технологиялар орқали бошқариш моделини ишлаб чиқди. Тадқиқотчининг айтишича, “катта сув қосаси”нинг лойқа босиши натижа-сида унинг фойдали ҳажми қамайиб боради ва иқтисодий самарадорликка таъсир кўрсатади.

— Сув омбори иш режими-ни геоахборот технологияларини қўллаган ҳолда моделлаштириш асосида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, зарур сигим ўрни лойқа билан тўлиши жараёнини секинлаштириш, бу орқали эса сув омбори эксплуатация муддатини узайтириш долзарб вазифалардан бири, — дейди М.Икромова. — Лойиҳамиз шу масала ечимига қаратилган. Йилнинг сувлиги даражаси, оқизкилар ҳаракати ва сув омбори сигими ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иш режими геоахборот технологиялари асосида моделлаштирилади. Натижада оқим ҳажминин бошқариш усули тақомиллашади.

Ёгингарчилик меъёрдан кўп кузатилиши, сел келиши баъзан табиий офатларни келтириб чиқаради. Кераксиз вақтда келаётган сувини йиғиб олиш — энг оқилонга танлов. Бу борада сув омборлари энг муҳим восита саналади. Улар сел сувини бошқариш ва самарали фойдаланишга ҳам шароит яратади. “Сув қосаси” ҳудудини лойқа эмас, зарур манба эгаллаши учун компьютерлаштирилган кузатув катта самара беради.

Лойиҳа асосида сув омбори сигими ўзгаришининг реал вақт бўйича узлуксиз мониторингини юритилиб, келажакда ўзгаришларни баҳорат қилиш учун махсус дастур асосида сув омборлари

қосаси ўзгариши 3D форматда ишлаб чиқилмоқда. Дастурий махсулот, ўз навбатида, сатҳнинг ўзгариши ва сув балансини ҳисоблаш усулларини ҳам тақдим этади.

Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси суви ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида соҳани тараққий этиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Хусусан, бунда сув объектларида рақамли технологиялар ёрдамида сув мониторингини юритиш, инновацион технологияларни жорий этиш, сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектларида мониторинг тизимларини геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда модернизация қилиш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Иқтисодиёт тармоқларининг геоахборот технологияларига эҳтиёжи юқори. Геоахборот технологиялари соҳа имкониятларини кенгайтириб, координатлар қанчалар маълумотлар тақлипини осонлаштиради. Мазкур тизим маълумотлар базасидаги ахборотларни қўрилаётган ҳудудда жойлашган объектлар билан бирга акс эттиради. Натижада таҳлил ва ишлов берилиш имконияти осонлашади. Бундай ёндашув орқали ўрганилаётган объектнинг модели ишланади, улар ёрдамида сув омборлари ҳолати рақамлар орқали баҳоланиб, ҳодисалар динамикаси ва ривожланиши ўрганилади ҳамда прогноз қилинади.

Мавжуд сув омборлари техник ҳолатини мониторинг қилишнинг амалдаги усули жуда мураккаб бўлиб, катта маблаг ва юқори профессионал иш кучини талаб қилади. Геоахборот технологияси асосида ишлаб чиқариладиган дастурий махсулот эса исталган сув омборига адаптация қилиниши мумкин. Бунда таҳлил қилиш имконияти кенг, аниқлик даражаси ҳам юқори бўлади.

Лойиҳа доирасида Тўямўйин гидроузели таркибидидаги 4 та сув омбори иш режими тақомиллаштирилган. Ўзан сув омбори қосасининг лойқа босишини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган ҳамда тўғондор ҳудуд профилининг ўзгариши ўрганилган. Геоахборот технологиялари маълумотлар базаси ва тезкор қарор қабул қилиш дастури ишлаб чиқилиши тизимнинг эксплуа-

тацион самарадорлигини 10-15 фоиз ошириш имконини беради. Шунингдек, Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидидаги сув объектлари балансини ҳисоблашнинг электрон дастури ҳам амалиётга жорий қилинган.

— Сув омборлари таъсирида дарё оқими режими мураккаб кечади. Унинг ҳудудда жойлашган ўзан ва қирғоқларда эрозия ва оқизкилар ҳаракати ўзгариши, гидротехник иншоотларда ювилиш ва лойқа босиши каби ҳодисалар юз беради, — дейди Малика Икромова.

— Шуларни ҳисобга олган ҳолда, янги геоахборот технологияларига асосланган моделлар орқали сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг аҳамияти катта. Ресурснинг ҳаракат динамикаси оқимнинг йўналиши, оқим тезлигининг пайдо бўлиши, босим градиенти ва ишқаланиш кучлари таъсирида юзага келади. Ушбу оқимларнинг қайта тақсимланиши натижа-сида эса ҳудудларда ювилиш ва лойқа босиши жараёни, яъни сув омбори қосаси эрозияси ва қирғоқлар шаклланиши кузатилади. Эҳтимолий муаммо ва бажарилиши зарур чора-тадбирларни аниқлаш учун ҳам компьютерлаштирилган кузатув зарур.

Моделлар сув йиғиладиган майдон ҳавзаларини, сув тарқатиш тармоқларини, керак бўлганда, ювилиш тармоғи элементларини гидрографик харитада акс эттиради.

Ахборотни тақдим этишнинг асосий шакли электрон харита бўлиб, уни динамика равишда катталаштириш ёки кичиклаштириш, алоҳида фрагментлари билан турли сарлавҳаларда ишлаш ва бир вақтнинг ўзида маълумотлар базасига кириш мумкин.

Бугунги кунда сув омборлари гидрологик режимининг самарали технологияларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сув омбори ҳажминини ҳисоблаш усулларини тақомиллаштириш ва салбий омилларни бартараф этиш учун тавсиялар ишлаб чиқилиш муҳим вазифалардан биридир. Соҳани рақамлаштириш эса кўплаб сув омборларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш баробарида ёгингарчилик кўп кузатиладиган вақтларда сел суварини йиғиш ва ўринли фойдаланиш имконини ҳам беради.



ОБОД МАНЗИЛЛАР

Бугун ҳеч бир соҳа йўқки, янгиланиш ва ўзгаришлар кириб бормаган бўлсин. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган туб ислохотлар ҳар бир ҳудуд қиёфасида, аҳоли турмуш тарзида ўз аксини топмоқда. Жўмладан, автомобиль йўллари қурилишидаги янгича ёндашув ва бунёдкорлик манзилимизни яқин, оғиримизни енгил қилмоқда. Текис ва равон йўлларда ҳаракатланаётган йўловчиларнинг вақти ҳам, наҳди ҳам тежалмоқда.

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ОЙДИН ВА РАВОН ЙЎЛЛАРИ

Эскиларни янгиланмоқда

Автомобиль йўлларини қуришда энг асосий махсулот — асфальт. Шу боис, унга талаб ҳаммиса юқори. Жойларда кичик заводлар фаолияти йўлга қўйилиши ҳамда мавжудларининг янгидан жиҳозланаётгани айни муддао бўлмоқда. Хусусан, Шаҳрисабз тумани йўллардан фойдаланиш унитар қорхонасига қарашли “Танхоз” асфальтбетон ишлаб чиқариш мажмуаси ана шулардан бири.

— Цехимиз 1980-1982 йилларда ишга туширилган, — дейди мазкур мажмуа раҳбари Сирожиҳиддин Ғуломов. — Соати-га 45-50 тоннагача асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга. Махсус лаборатория-мизда тайёр асфальт сифати мунтазам текшириб борилади. Ускуналар бироз эскиргани боис, босқичма-босқич янгиларига алмаштирилиб боришмоқда.

Хавотирга ўрин қолмади

Қашқадарё дарёсининг Китоб туманидаги Бештерақ маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми устидаги кўприк 1970 йилда бунёд этилган. Ўтган йиллар давомида дарё ўзани пастлаши натижа-сида кўприк пойдевори очилиб қолганди. Натижада нураш бошланиб, баъзи жойлари кўпорилиди. Бу аҳолининг жиддий хавотирига сабаб бўлаётганди.

— Китоб — Чироқчи автомобиль йўлининг 7-километридаги ушбу кўприк анча эски, — дейди Китоб тумани йўллардан фойдаланиш унитар қорхонаси бошлиғи Соҳиб Султонов. — Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, белгиланган дастур асосида 13 миллиард 200 миллион сўмлик янги кўприк қуриш бошланди. Унинг узунлиги 92 метр, эни 14 метр бўлади.

— Деярли ҳар кўни шу ердан ўтаман, — дейди Китоб тумани Бештерақ маҳалласида яшовчи Бахтиёр Исмаилов. — Ҳар сафар ўтаётганимда хавотирим ортади. Янги кўприк қурилишини эшитиб, барчамиз ҳурсанд бўлдик. Анча йиллик муаммо ўз ечимини топмоқда.

Тошкент — Шаҳрисабз — Термиз автомобиль йўлининг Китоб тумани ҳудудиди-ги 1164-километридаги кўприк ҳам 8 миллиард 400 миллион сўмдан ортқ маблаг эвазига реконструкция қилинмоқда.

Энди асаббўзарликлар бўлмайди

Чироқчи туманидаги марказий шифохона олдидида йўл торлиғи боис, машиналар тирбандлиғи юзага келаётганди. Яқин йиллардан бери бирор марта таъмирланмаган бу йўлда қанчадан-қанча ҳайдовчилар асаби бўзилиб, вақти беҳуда кетаётганди. Энди буларнинг барчасига барҳам берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21-22 апрель кўнлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ҳамда Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенга-шининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириғига асосан, Чироқчи-Қўқдала автомобиль йўлининг 29-41 километрларини жорий таъмирлаш учун 10,2 миллиард сўм ажратилиши қўзда тутилган. Шу асосда ҳозир бир километр йўлга асфальт ётқириш якунига етказилмоқда.

— Ростини айтсам, ўзим ҳам шу йўлдан кўп юраман. Доим тирбандлик бўларди, — дейди Чироқчи тумани йўллардан фойдаланиш унитар қорхонаси раҳбари Жуманазар Авлоёров. — Машиналар йилдан-йилга қўпайиб бормоқда. Йўлларимиз эса эски. Янги йўл қурилиши натижа-сида тўрт қатор ҳаракатланишга шароит яратилади.

Чекка қишлоқ обод масканга айланади

Бердопи қишлоғи Қамаш туманининг чекка ҳудудларидан бири. Бердопиликларни йўл муаммоси анча йиллардан бери қийнаб келаётган эди. Яқинда эса Бердопи ҳамда йиғирмага яқин қишлоқни бир-бирига болғовчи умумфойдаланиш йўли текисланиб, асфальт ётқириш бошлаб юборилган. “Бердопи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 43-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ҳамда 220 ўринли қўшмча бино, 100 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла гузары, кутубхона қуриш, шунингдек, ичимлик сув таъминотини яхшилаш ва ички йўлларни таъмирлаш ишлари ҳам режа асосида олиб боришмоқда. Йўллар чироили, равон бўлмоқда. Бундан қишлоқ одамлари мамнун. Неча йиллик муаммо барҳам то-лаётганидан ҳурсанд. Тез орада маҳалла кўз қувнайдиган ажиб бир масканга айланади.

— Шу қишлоқдаги мактабда узоқ йиллардан бўён ўқитувчилик қиламан, — дейди Абдимурод ота Одилов. — Адашмасам, 1986 йилда йўлларимизга асфальт ётқирилганди. Тўғриси, ўтган йиллар мобайнида кўчаларимиз яроқсиз бўлиб қолди. Бугун тонгда асфальтлаш бошлаб юборилди. Эҳ-ҳе, ёзда чанг, қишда лойга ботарди кўчаларимиз. Ундан юриш бир азобга айланганди. Энди бизнинг йўлимиз ҳам равон ва кўркам бўлади. Инсон қадри юксалаётгани шу-нақа ишларда кўринади-да.

Бир йилда 40 та кўприк

Бугун вилоятда жами 22035 километр автомобиль йўли мавжуд бўлиб, шундан 3487 километри умумфойдаланишдаги йўллардир. Биргина 2021 йилда воҳада 98 миллиард сўм қийматидидаги 40 та кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, инвестиция дастури асосида 300 километрдан ортқ автомобиль йўл-ларига 479 миллиард сўм йўналтирилди. Шунингдек, 3051 та йўл белгиси ўрнати-либ, эскилари янгисига алмаштирилди. Аҳоли яшаш жойларида пиёдаларга қўлай шароит яратиш мақсадида 43,7 километр цемент-бетон қопламали йўлак қурилди. Шу билан бирга, хавфли ҳисобланган бир неча ҳудудга 11 та светофор ўрнатилди.

— Жорий йилда ишларимиз янада кўп. Анчагина йўл асфальт қилиниши ва кўприклар қурилиши режалаштирилган, — дейди Қашқадарё вилояти автомо-биль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хусниддин Қамолов. Бугун вилоятда қилинган ва қилинаётган бу каби эзгу ишлар халқимиз орзу-ис-тақларининг рўёбига қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Энг асосийси, бундай янгиланишларни одамлар ўз қўндалик турмушидаги ўзгаришлар орқали қўриб, теран ҳис қилмоқдалар.

Акбар РАҲМОҶОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ИНВЕСТИЦИЯ КЎЛАМЛАРИ

Ўтган беш йилда мамлакатимизда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилди. Уларда 10 триллион сўмлик мингдан ортқ лойиҳа ишга туширилган, 100 мингдан ортқ иш ўрни яратилиб, йилга қўшимча 45 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарила бошланган. Саноат зоналаридаги қорхоналарда йилга 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда.

64 та кичик саноат зонаси ишга тушади



Анвар ЮСУПОВ,
Самарқанд вилояти кичик саноат зоналари дирекцияси директори

Чиндан ҳам, кейинги йилларда ҳар бир туманга саноат кириб борди, олис ва чекка ҳудудларда янги ишлаб чиқаришлар пайдо бўлмоқда. Самарқанд вилоятининг шу пайтгача умуман саноат ишлаб чиқари-ши бўлмаган туманларида ҳам янги саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Президентимиз раислиғида саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари билан болғик масала-ларга бағишланган йиғилишда ана шундай ютуқлар билан бир қаторда, ечимини кутаётган масалалар ҳам таҳлил этилди. Ҳозиргача саноат зоналарида лойиҳаларни бошлаш учун тадбиркорлар 5 та босқич-ли жараёндан ўтиб, 10 турдан ортқ ҳўжатларни тақ-дим этиши лозим. Оқибатда ҳозирда Бухорода 10 та, Тошкент вилоятида 5 та, Самарқанд ва Фарғонада 1 тадан лойиҳа бошланмаганлиғи танқид қилинди.

Вилоятимизга доир қайд этилган лойиҳа Нарпай тумани Тепа маҳалласида ташкил қилинган кичик саноат зонасидаги “Osiyo matoqand” маъсуляти чекланган жамиятига тегишли бўлиб, унинг амалга оширилиши паррандачилик ҳўжаликлари учун омухта ем ишлаб чиқаришни қўпайтиришга хизмат қилади.

Лекин замонавий ускуналар жамланмасини хориждан олиб келиш муддати бироз кечикки кетди. Қўрилган чоралар туфайли янги технологиялар тўлиқ олиб келиниб, ҳозирда монтаж қилинмоқда. Жорий йилнинг июль ойида қорхона тўлиқ қувватда ишга тушади ва бу ерда ойига 125 тонна омухта ем ишлаб чиқарили-ши баробарида 25 та янги иш ўрни яратилади.


Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил апрель ойида Самарқандга ташрифи чоғида берган топшириғига кўра, жорий йилда қўшимча 64 та янги кичик саноат зонаси ташкил этилиши белгиланган эди.

Ҳозиргача 26 та кичик саноат зонасида 5 минг 228 иш ўрнига мўлжалланган қиймати 100,8 миллион долларлик 208 та лойиҳа жойлаштирилди. Уларга 330,7 гектар, шундан, 42,6 гектар ер майдонида коммуникация тармоқлари, 26,4 гектарда муҳофаза зонаси, 81,1 гектарда инвестиция лойиҳалари татбиқ этиляпти. Лойиҳа жойлаштириш мумкин бўлган 200,5 гектари эса буш ер майдонини ташкил этади. Хусусан, Жомбой туманининг Деҳқонобод маҳалласида 5,5 гектар, Тойлоқ туманида-ги Бойгозоғон маҳалласида 7,30 гектар, Ўرғут тумани-даги Сариктепа маҳалласида 21,50 гектар ҳамда Пай-ариқ туманидаги Халқобод МТЎда 15,50 гектар буш ер майдонида янги саноат зоналарининг фаолияти йўлга қўйилляпти. Уларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун қўлай имкониятлар яратилган, узлуксиз электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув ва оқова тармоқла-ри, йўл инфратузилмалари билан таъминланган.

Бундай ишлаб чиқариш майдонларида ўтган бир йил давомида 51,8 миллион долларлик 96 та лойиҳа ишга туширилди, 2 минг 40 та янги иш ўрни яратилди. Яқингача хориждан импорт қилинаётган махсулот-лар бугун кичик саноат зоналарида ишлаб чиқари-лиши йўлга қўйилиб, МДҲ мамакатларига экспорт ҳам қилинмоқда. Мисол учун, 2021 йилда 100 га яқин турдаги енгил саноат, электротехника, машинасо-злик, кимё, озик-овқат, чарм-поийабзал, фармацев-тика, қурилиш материаллари саноатида доир 84,7 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 8,2 миллион долларлик қисми экспорт қилинди. Яна 49 миллион долларлик 112 та лойиҳа амалга ошири-лиши ҳамда 3 минг 188 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.



Жорий йилда 64 та янги КСЗда қиймати 111,3 миллион долларлик 742 та лойиҳани жойлаштириш ҳисобига 978,1 миллиард сўмлик махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва қарийб 9 мингта янги иш ўрни яратилади.



Вилоятда 5 та ихтисослаштирилган кичик саноат зонаси, жўмладан, Самарқанд ва Ўрғут туманларида чарм-поийабзал, Пактачи ва Нуробода қурилиш ма-териаллари ишлаб чиқариш ҳамда Пастдарғом тума-нида мебелсозлик соҳасида кичик саноат зоналари фаолият юритилмоқда.

Маълумки, Президентимиз раислиғида ўтган йи-гилишда Самарқанд вилоятида 300 гектар майдонда янги махсус саноат зонаси ташкил этилиши белгилан-ди. Ҳозир ана шу майдонларда тадбиркорлик субъ-ектлари томонидан тақлиф этилаётган лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бунда инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейин кичик саноат зоналаридаги объектларни ҳу-сусийлаштиришга рўксат берилганлиғи кўп келяпти. Буларнинг ҳисобига саноат зоналарида лойиҳалар-ни жойлаштириш жараёнидаги босқичлар амалдаги 5 тадан 2 тага қамаяди, сарф қилинадиган вақт 3 ой-дан 1 ойгача қисқаради.

Шунингдек, эндиликда саноат зоналаридаги ерлар аукционга дирекциялар томонидан чиқарилиши бел-гиланляпти. Бу ҳам ишларни жадаллаштириш, янги шаффоф тизим яратилишига имкон яратади. Бино-барин, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширила-диган лойиҳаларни экспертиза қилиш, саноат зона-лари бўйича маъмурий кенашлар ваколатлари Ташқи савдо ва инвестициялар вазирлиғига ўтказилмади. Ана шундай ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркор-лик субъектларига имтиёзларни қўллаш учун Лойиҳа-ларни ва импорт контрактларини комплекс экспер-тиза қилиш марказининг ҳулосасини олиш тартиби бекор қилиниши ҳам белгиланди.

БУ ЙЎЛДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДРАЙВЕР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРАДИ

Бу эса бир томондан таълим сифатини ошириш ва тан олиш тизимини такомиллаштиришни талаб қилса, иккинчи тарафдан талабалар, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг академик мобиллик имкониятини кенгайтириш ва хорижий таълимни тан олиш бўйича халқаро ҳуқуқий-норматив доираларга қўшилишини таъқозо этмоқда.

Шу йил Испаниянинг Барселона шаҳрида 130 дан ортиқ давлатдан юқори даражадаги вакиллар, хусусан, 30 дан зиёд вазир, 800 дан ортиқ олий таълим муассасаси раҳбарлари ва халқаро ташкилотлардан меҳмонлар иштирокида ўтказилган ЮНЕСКОнинг III Жаҳон олий таълим анжуманида соҳанинг келгуси ўн йилликдаги истиқболига доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Конференциянинг асосий мақсади олий таълимда илғор хорижий тажрибаларни оммалаштириш, амалий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, БМТнинг Барселор ривожланиш мақсадлари доирасидаги “Таълим — 2030” кун тартибига киритилган “Йўл харитаси”ни амалга оширишдан иборат бўлди.

Тадбирлар кун тартибидан олий таълимда мобиллиқни ривожлантириш, соҳада глобал ҳамкорликни жадаллаштириш ва халқаро кўп томонлама конвенцияларга қўшилиш орқали мобилликка ҳалал берувчи турли тусиқларни олиб ташлаш, COVID-19 пандемиясининг ўқитиш тизимига таъсири, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда олий таълимнинг ўрни, инклюзивлиги, ўқув дастурларининг сифати ва долзарблиги, таълимнинг мазкур босқичида академик мобиллик каби масалалар ўрин олди.

Хусусан, сайёрамиз ва инсониятнинг барқарор ривожланиши учун олий таълим юғялари ва амалиётини ўзгартириш ҳамда олий таълим бўйича 2030 йилгача умумий йўл харитасини яратиш бўйича глобал суҳбат бўлиб ўтди.

Олий таълимни барқарор ривожлантириш каби глобал ва маҳаллий чақирикларга қандай мослаштириш мумкинлиги кун тартибидagi асосий масалалардан бўлди. Жумладан, халқаро мобиллиқни қўллаб-қувватлаш ва олий таълим муассасаларини ҳаёт давомида таълим бериш ҳамда ушбу жараёнларни мувофиқлаштирадиган муассасаларга айлантириш муҳим масалалар қаторидан ўрин олди.

Анжуман доирасида мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, академик алмашинув дастурлари, тадқиқотларни ривожлантириш, илмий ҳамкорлик лойиҳаларини йўлга қўйиш, минтақавий муаммоларини ҳал қилишда университетлар фаоллигини ошириш, олий таълим ҳужжатларининг халқаро миқёсда тан олинишидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича ЮНЕСКО, Жаҳон банки ва Барселона университети вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди.

2018 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга таширфи мобайида ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле билан учрашувидан сўнг мамлакатимиз билан мазкур ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама кенгайди ва мустаҳкамланди.

Барселонага сафар давомида юртимиз делегацияси аъзолари ЮНЕСКОнинг таълим бўйича бош директори ўринбосари Стефания Жаннини билан музокаралар ўтказди. Стефания Жаннини хоним Ўзбекистон Республикаси Президентини бошчилигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва қаратилаётган юксак эътиборни юқори баҳолади. Бу янгиланишларни қўллаб-қувватлашини ва мазкур йўналишда юртимизга кўмакка тайёрлигини маълум қилди. Хусусан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида етакчилик қилаётганини ва ушбу тажрибани оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мактабгача таълимдаги қамровни ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга, шу жумладан, 2026 йилгача 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизимига қамраб олиш кўрсаткичини 100 фоизга етказиш каби стратегик мақсадлар белгилангани

ЮНЕСКО томонидан алоҳида эътироф этилди. Мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар юқори баҳолаб, Ўзбекистон ташаббуси билан 2022 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ЮНЕСКО кўмагида илк ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш бўйича II Жаҳон конференцияси ўтказишга келишилди.

Шунингдек, мартабали хоним сўнгги йилларда Ўзбекистонда олий таълим тизимининг халқаро тажриба асосида трансформация қилиниши натижасида мамлакатимизнинг Токио ва Умумжаҳон конвенцияларига қўшилиши бўйича зарур шарт-шароитлар яратилганини эътироф этди. Ушбу конвенцияларга қўшилиш олий таълим соҳасида халқаро ҳамжамият билан интеграцияни янада кучайтиришни ва таълим сифатини янада оширишга хизмат қилишини қайд этди. Бу борада ЮНЕСКО техник ва молиявий кўмак кўрсатишга тайёрлигини маълум қилди.

Тез ўзгарувчан иқтисодиёт

Бугун ривожланган мамлакатлар ўз иқтисодиётида турли инновацияларни қўллаб-қувватлаш, муҳим соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инсон капиталини ривожлантириш учун тадқиқот ва ривожланиш йўналишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 2000 йилга нисбатан 50 фоиз ўсиб, 14 миллиондан 22 миллионга етди. Бу жараёнда ёшларнинг улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ушбу демографик ўзгаришлар, бир томондан, ёшлар учун муносиб иш ўринлари яратишни талаб қилаётган бўлса, бошқа томондан, таълим тизимидан меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, керакли кўникма ва компетенцияларга эга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни талаб қилмоқда.

Шу боис, таълим тизими олдида иккита муҳим вазифа турибди. Биринчидан, энг катта бойлигимиз — инсон



капиталини шакллантириш ва меҳнат бозоридаги мобиллигини таъминлаш. Айнан меҳнатга лаёқатли аҳолига ҳаёт давомида таълим олиш имкониятини яратиш, меҳнат бозорига мослашувчанлигини ошириб бериш керак.

Иккинчидан, формал таълим тизими орқали ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши ва муваффақиятга эришиши учун зарур кўникма ва компетенцияларни шакллантириш.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун дунё ялпи ички маҳсулотининг тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирилган ҳажми 2010 йилдаги 1,61 фоиздан 2018 йилда 1,73 фоизга ўсган. Бирок мазкур рақамлар Марказий Осиё мисолида 0,15 фоиздан 0,125 фоизга камайгани юртимизимиз мумкин.

Анжуманда ҳозирги глобал чақирикларнинг олий таълим тизимида таъсири ва уларга олий таълимнинг жавоби муҳокама қилинди. Хусусан, тез ўзгариб бораётган иқтисодий контексти, янги иш усуллари, технологик ўзгаришлар, демографик тенденциялар, оммавий истеъмол, ортиб бораётган ҳаракатчанлик ва миграция, ижтимоий ва экологик таҳдидлар ҳамда низоларнинг турли шаклларининг олий таълимга таъсири бўйича фикр алмашилди.

Шунингдек, рақамли инқилобга, жумладан, сунъий интеллектнинг пайдо бў-

лиши, интернет орқали ўқитиш ва таълим олиш тараққиётига, ҳаёт ва ишнинг барча жабҳаларини ўзгартираётган катта маълумотлар соҳасидаги ишланмаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Сафар давомида ЮНЕСКОнинг ҳаёт давомида таълим тизимлари департаменти директори Б.Чакрун билан Ўзбекистонда меҳнат бозори учун иқтисодиётнинг долзарб соҳаларида зарур кўникмаларга эга бўлган ишчи ва ўрта бўғин касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик муҳокама қилинди. Европа Иттифоқи молиявий кўмагида ЮНЕСКО томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида иш билан таъминлаш учун кўникмаларни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 8,5 миллион



евро миқдоридagi маблағни айнан Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли йўналтириш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Шунингдек, профессионал таълимга доир ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш, уларни рақамлаштириш, соҳа учун педагоглар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишда ЮНЕСКОнинг таълим ресурсларидан бепул фойдаланиш юзасидан биргаликда бажариладиган ишлар белгилаб олинди.

Масофавий таълим истиқболи

Сўнгги йилларда дунёда олий таълимга қамров кўрсаткичи тобора ошиб бораётир. ЮНЕСКО маълумотларига

кўринишда ташкил қилинди. Ўқитишни ушбу кўринишда ташкил қилиш бўйича улкан тажриба тўпланди. Бу борадаги ютуқ ва камчиликларимиз маълум бўлди.

Жорий йилда илк мартаба давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган қабул режасида баъзи йўналишлар бўйича масофавий таълим учун квоталар ажратилмоқда. Олдимизда турган устувор вазифа мамлакатимизда олий таълим тизимида масофавий ўқитиш шаклини жорий этишни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат тайёрлаш ва тасдиқлаш учун ҳукуматга киритилдир. Бу борада масофавий таълим бўйича узоқ йиллик илғор тажрибага эга мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ҳамкорлиқни йўлга қўйиш жуда муҳим.

Олий таълим муассасаларимиз юр-

тимиздаги IT марказлари ва соҳанинг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда мустақил таълим беришга мўлжалланган таълим платформаларини видеодрлар, виртуал лабораториялар ва интерактив дарслар билан боитиш чораларини қўриши лозим. Бу ишларни йўлга қўймай туриб масофавий таълим орқали амалий кўникмага эга малакали кадр тайёрлаш имконсиз.


Анжуман давомида юртимиз делегацияси томонидан Жаҳон банки маслаҳатчиси М.Гарциа ва олий таълимни рақамлаштириш бўйича йирик компаниялар Moodle, Blackboard, Huawei вакиллари билан Ўзбекистонда олий таълимни рақамли трансформация қилиш бўйича музокаралар ўтказилди. Хусусан, М.Гарциа ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Coursera, Edx, Udacity очик онлайн курс платформалари ва Массачусетс технология институти тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда масофавий ўқитиш технологиялари асосида сифатли олий таълимга қамровни кенгайтириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини маълум қилди.

Талабалар мобиллигини ошириш — зарурат


Дунёда олий таълим муассасаларининг вазифаси тубдан ўзгармоқда. Энди улар турт йил ўқитиб, диплом берадиган ёпиқ экотизмдан индивиднинг жамиятда социализацияни амалга оширадиган,

Талабалар мобиллигини ошириш — зарурат


Дунёда олий таълим муассасаларининг вазифаси тубдан ўзгармоқда. Энди улар турт йил ўқитиб, диплом берадиган ёпиқ экотизмдан индивиднинг жамиятда социализацияни амалга оширадиган,



ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун дунё ялпи ички маҳсулотининг тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирилган ҳажми 2010 йилдаги 1,61 фоиздан 2018 йилда 1,73 фоизга ўсган. Бирок мазкур рақамлар Марказий Осиё мисолида 0,15 фоиздан 0,125 фоизга камайганини кўришимиз мумкин. Анжуманда ҳозирги глобал чақирикларнинг олий таълим тизимида таъсири ва уларга олий таълимнинг жавоби муҳокама қилинди.



Сафар давомида Барселона ва Пампео Фабра университетлари, Массачусетс технология институти раҳбарияти билан қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим дастурларини такомиллаштириш ва академик мобиллиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда ҳамкорлик механизмлари келишилди.



меҳнат бозорида зарур кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда уни фаол фуқарога, давлатнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшадиган шахсга айлантирадиган, ҳамкорликка асосланган очик экотизмга айланмоқда.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун дунё бўйлаб олий таълимда 235 миллион талаба бор. Сўнгги йилгача йилда улар сони икки баробардан кўпроқка ошган. Келгуси ўн йилда эса яна икки баробар кўпаяди. Шу боис, энди олий таълим олиш имкониятини кенгайтириш ва унинг сифатини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Дунё бўйлаб олти миллион талаба чет элда таҳсил олади ва бу рақам 2025 йилга бориб саккиз миллионга етиши кўрилади. 2015 йилда Ўзбекистонлик 28 минг ёш хорижда таълим олган бўлса, бугун улар сони 53 минг нафарга етди.

Сўнгги йилларда юртимизда таълим олаётган хорижлик талабалар сони бир неча баробар ошган, бироқ миллионлаб туристларни жалб қилаётган, аҳолий табиати ва меҳмондўст халқига эга мамлакатимиз учун бу кўрсаткич жуда кам. Мисол учун, 2016-2017 ўқув йилида юртимизда 603 нафар хорижлик талаба олий таълимга олган бўлса, жорий ўқув йилида улар сони 5140 нафарга етди.

Юртимиз олий таълим муассасаларини киритиш мақсад қилинаётган нуфузли халқаро рейтингларда ҳам хорижий талабалар улушига алоҳида эътибор қаратилади.

Олий таълим муассасаларимизда ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Хусусан, маҳаллий олий-гоҳларнинг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида чет тиллардаги, хусусан, инглиз тилидаги маълумот ва янгиликлар етарли эмас.

Университетларимизда хорижий талабалар сони қамлиги сабабини чуқур таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишимиз зарур. Хусусан, миллий олий таълим ташкилотларимизда таълим сифати ошиши, халқаро ҳамжамият билан интеграция қучайтирилиши, хорижий тилларда дарс бера оладиган профессор-ўқитувчилар қўлайиши ва мамлакатимизда олинган дипломларнинг хорижда тан олиниши учун зарур чоралар қўрилиши лозим. Шунингдек, мобиллиқни қўллаб-қувватлаш учун халқаро асос керак. Бу нафақат талабалар учун академик бойлик, балки билим алмашиш ва ўзаро тушуниш учун рағбатдир.

Сафар давомида Барселона ва Пампео Фабра университетлари, Массачусетс технология институти раҳбарияти билан қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим дастурларини такомиллаштириш ва академик мобиллиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда ҳамкорлик механизмлари келишилди.

Диплом ва малакани тан олиш тизими: янгича ёндашув ва дадил одимлар

Сўнгги йилларда халқаро тажриба асосида хорижий таълимни тан олиш

жараёни соддалаштирилди. Нострификация амалиётидан воз кечилиб, тан олиш амалиёти жорий этилди. Хорижий олий таълим квалификацияларини тан олиш мuddати 30 кундан 10 кунга қисқартирилди. Жараён рақамлаштирилиб, давлат хизматлари орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Таълим сифати халқаро даражада эътироф этилган 8000 дан зиёд хорижий олий таълим муассасасининг дипломларини тўғридан-тўғри тан олиш амалиёти жорий этилди.

Болонья жараёнига қўшилиш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланди. Жумладан, олий таълимда кредит-модуль тизими жорий этилди. Таълим сифатини таъминлаш жараёни Европа таълим сифатини таъминлаш стандартлари ва йўриқномалари асосида такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, академик мобиллик имкониятини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда хорижий квалификацияларни тан олиш бўйича халқаро ҳуқуқий майдонга қўшилиш борасида ҳам қатор ишлар бажарилоқда. Хусусан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Олий таълим соҳасида малакаларни тан олиш Осиё-Тинч океани минтақавий конвенцияси (Токио конвенцияси) ва Умумжаҳон конвенциясига қўшилиш чоралари қўрилмоқда.

“Йўл харитаси” асосида Токио конвенциясига қўшилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозир охирти инстанцияда келишилмоқда. Ўзбекистонда Токио ва Умумжаҳон конвенцияларига қўшилиш бўйича сўнгги икки йилда барча зарур шарт-шароит яратилди.

Биринчидан, норматив-ҳуқуқий база энг илғор халқаро тажрибалар асосида такомиллаштирилди. Хусусан, 2020 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. У ҳаёт давомида таълим, катталар таълими, инклюзив таълим, “формал, ноформал ва информал” таълим каби масалалар билан боғитилди. Хорижий таълимни тан олиш бўйича 2019 йилда Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Иккинчидан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси хузурида Миллий ахборот маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбек таълим тизими тўғрисида етарли ва тушунарли маълумот бериш имконияти яратилди. Миллий ахборот марказининг nic.td.uz веб платформаси ишга туширилиб, ҳозир ушбу платформа Осиё-Тинч океани минтақаси миллий ахборот марказлари тармоғига уланмоқда. Бу ўқитиш сифати ва олий таълимга доир малакаларни тан олиш бўйича ахборот алмашинувини кенгайтириш орқали аъзо давлатлар фуқароларининг мобиллигини янада оsonлаштирилади.

Учинчидан, чет эл дипломини тан олиш амалиётига Токио конвенциясининг асосий тамойиллари жорий этилди. Хусусан, адолатли тан олиш, кескин фарқлар бўлмаганда тан олиш, таълим натижалари асосида тан олиш, тан олишда шаффофлик ва адолат таъминланди.

Тўртинчидан, таълим тизими халқаро стандартларга уйғунлаштирилмоқда. Европа кредит-модуль тизими, хорижий таълим дастурлари, икки босқичли олий таълим, Европа намунасидаги диплом ва унинг иловалари, таълим сифатини таъминлаш тизимининг Европа таълим сифатини таъминлаш йўриқномалари асосида такомиллаштирилиши шулар жумласидан.

Хулоса ўрнида

Мамлакатимиз олий таълим тизими ҳозир муҳим босқичда. Ислохотлардан куч олди, ривожланишининг янги даража қадам қўймоқда. Бирок бу биздан тарихий воқеанинг томошабини эмас, фаол иштирокчиси бўлишни, эртанимиз эгаларининг келажаги учун зарур ҳаётий вазифани бажаришни талаб этмоқда. Зотан, бугун қўядиган қадамимиз, қиладиган ишимиз инсон капиталини ривожлантириш, янги давр кадрларини тайёрловчи кучли ўқитиш ва касба сифатли тайёрлаш тизимини барпо этишга қаратилмоғи шарт. Бу йўл биздан юксак масъулият ва вазифанимиз изчил ёндашувни талаб этаётир. Олдимизда турган вазифа аниқ-равшан: сифатли олий таълим орқали Янги Ренессанс пойдеворини бунёд этишга ҳисса қўиш. Шундай экан, куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, мақсад муштараклигига эришсак, халқимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам биздан рози бўлади.



ИНСОННИНГ ҚАДРИ ҲАМ, БАХТИ ҲАМ ВАТАНДА ЮКСАЛАДИ

Бугун бутун дунё ҳамжамияти кенг эътироф этаётган давлатимизнинг куч-қудрати, истиқболини нималар ва қайси нуқталарда кўрамыз?



Миродил БАРАТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари, Бош вазирнинг тadbиркорлик субъектлари қабулхоналари, Бизнес-Омбудсман, Болапар Омбудсмени ташкил этилгани айна мудоао бўлди. Юртдошларимиз давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари уни эшитаётганини, реал муаммоси ҳал бўлаётганини ҳис қилаяпти. Тўғри-да, 5-6 йил аввал уй-жой, тиббий хизмат, таълим, меҳнат қилиш, миграция, аграр соҳа, тadbиркорлик, Ҳажга бориш билан боғлиқ ва бошқа муаммолар қалашиб ётганди-ку?! Шахсий, сиёсий ҳуқуқларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Халқимиз улар билан боғлиқ турли тўсиқлари, “тан-қа”, “танга” институти деган тушунчаларнинг бари ўтмишда қолгани рост бўлсин, деяпти.

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган тadbирда “Биз ўз келажагимизни ўзимиз қурамыз. Бу йўлда хато қилишга ҳаққимиз йўқ”, деганди. Барча соҳалардаги тизимли ислохотларнинг “Йўл харитаси”га айланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўз сўзини айтди. Ушбу ҳужжат том маънода халқоналик касб этиб, нафақат халқимиз, бутун дунё афкор оммасининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Ҳақиқатан, ислохотлар фақат марказда, шахарларда

Давлат ва жамиятимиз ҳаётида мавжуд “плюс”лар ҳақида гапирганда, аввало, барча саъй-ҳаракатлар инсон кадрини улуғлашга қаратилаётганини айтмай бўлмайди. Конституциямизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ёзиб қўйилган ва бу том маънода ҳаётий воқеликка айланди.

эмас, балки олис Мўйноқ, Ҳазорасп, Вобкент, Кармана, Жарқўргон, Деҳқонобод, Қўшрабoт, Пахтакор, Манас, Сардоба, Пискент, Олтиариқ, Улунор, Минбулоқда ҳам самара бераётгани барчани қувонтиради. Бу ҳол юртдошларимизда, айниқса, ёшларимизда эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамлади. Бу масалаларга ёшларнинг қизиқиши ортиб, уларда ўзига хос мотивация уйғонди.

Президентимиз айтганидек, одамларимиз ислохотлар самарасини келажақда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис эта бошлади. Бугун давлат қурилиши соҳасида халқ ўзи иштирок этмоқда. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси халқ иштирокининг яққол самараси бўлди: жараён regulation.gov.uz формати ва доирасида юз берди.

Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари қадам ташлаган Ўзбекистон эндиликда янада бирлашмоқда, жиқлашмоқда: ҳар бир инсон манфаатини уйлаш, унинг кадр-қимматини юксалтириш орқали халқпарвар давлат сари интилиш бўляпти. Аслида, демократик давлат қуришнинг моҳияти, мақсади ҳам шу. “Жамият — ислохотлар ташаббускори” бўлишининг долзарблиги, мантиси ва самарадорлигида “Янги Ўзбекистон” деган бош ғоя, эзгу ният ва пировард мақсад ётади.

Утган йили Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига жавобларида қайд этганидек, “*Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланишда, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир*”.

Бугун бир-бирини мантика тўлдирётган икки Стратегия берган имкониятни ҳар бир шахснинг, оиланинг мулкдор, тadbиркор бўлишида қўраямиз. Эндиликда бир зум ҳам бўш ўтириш керакмаслигини ҳамма ҳис қилаяпти. Шу маънода, тadbиркорликка шунчалар ташкилий-ҳуқуқий, моддий-маънавий шароитлар яратилдики, фақат меҳнат қилиш, изланиш, соҳага инновацион ғоя ва технологиялар, рақамли иқтисодиётни олиб кириш пайти келди. Марҳамат, гидропониками, аэропониками, балиқ-



чилиқми, асаларичилиқми, нанотехнологиями... Якка тартибдаги тadbиркорлик, оилавий корхона, хусусий корхона, кластерми, филиалми, қўшма корхона шаклидами... пойтахтдами, Қўнғиротдами, Бўстонликдами, водийдами: саксовулзор яратиш, Ўзбекистон-GTL, Олмалиқ (Қалиоққир ва Ёшлик I) ва бошқа саноги бир талай лойиҳалар диққатга сазовор. “Яшил макон” лойиҳаси ҳам бутун юртни бир мақсад, зугули йўлида бирлаштирди.

Энг муҳими, хусусий мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайдиган бўлди. Мулкдор ўз ҳуқуқларининг устуворлиги принципига кўра, қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликларнинг барчаси мулкдорнинг фойдасига талкин этилади. Табиийки, утиш даврида бир пайтлар давлат монополияси бўлган объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб ва хусусийлаштирилди. Бу борада шундай тартиб ўрнатилдики, хусусийлаштириш натижалари қайта қўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди. Ҳа, бугун ҳеч муболағасиз айтиш мумкин — ҳаракат қилган одам яшаш ишқи,

меҳнат завқи, манфаатдорлик ва миннатдорлик ҳаёси билан яшамокда. Иморат қурмоқда, тўйлар, маърака-мажлислар қилмоқда, Ҳажга бормокда. Уғил-қизлари институт, университет ва академиялар қилмоқда, хорижда ўқиб ишлаяпти...

Ҳа, яна бир мулоҳаза. Кенг кўламли ўзгаришлар турли дебатларда, чиқишларда айтилаётганидек, таълим тизимида ҳам жадал паллага кирган. Соҳага янги тартиб-таомиллар, бошқарув принциплари, замонавий шаклдаги тузилмалар — давлат-хусусий шериклиги асосида қурилган мактабга таълим муассасалари, Президент ва ижод мактаблари, илгор хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари пайдо бўлди ва улар амалда муваффақиятли ишламоқда. Бир сўз билан айтганда, таълим тизимига рақобат муҳити кириб келяпти.

Дарҳақиқат, таълим тизимида юқори сифат самарадорлигига эришиш — бутун жамият муаммоси. Эртанги кун эгалари, модомими, бугун мактаб партаси ва олий таълим даргоҳида экан, уларни тарбияли, тadbирли, очиқ кўзли, сиёсий ҳушёр, ватанпарвар, ўзининг қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган инсон қилиб тарбиялаш, ҳеч муболағасиз, соҳа ходимлари (раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар ва ёрдамчи персоналлар)дан юксак

МУЛОҲАЗА

ДЎСТ, МАСЛАҲАТЧИ, СИРДОШ ВА ЮПАНЧ ЁХУДА КИТОБСЕВАР КЕЛИН ОИЛАНИ ЧАРОҒОН ҚИЛАДИ

Юлдузхон ТУРСУНОВА,
Учқўрғон туманидаги 1-ўрта таълим мактаби
ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси

Ўғли сал бўй тортиб қолган қай бир аёл билан сўхбатлашманг, ҳозирги замон қизларнинг кийинишию, юриш-туришидан нолийди. Чунки ё яширин, ё ошқора тарзда келин излаётган бўлади.

— Ҳа, қизларни қузатиб, имтиҳон қилиб қолибсиз, Меҳрхон? — Ўғлим ҳам катта йигит бўлиб қолди-да, айланай. Қизларни кўрсам, ўзим билмаган ҳолда келин танлапман. — Ҳаммани ҳам тўйга етказсин. Қандай келин излаяпсиз? — Кўп китоб ўқиган ақлли қизни келин қилмоқчиман. Яқинда қўшним шундай ўқимишли, қўли бўшади дегунча, китоб ўқийдиган қизни келин қилди. Бирам ширинсўз, тadbирли, юзидан нур ёғилади. Бу китобнинг нури бўлса керак. Бу гаплардан юрагим жижиллаб кетди. Қўшни қизларни бир-бир хаёлдан ўткази

бошладим. Шукри, шу кўнларни ҳам кўрдик. Ўзи уй бекаси бўлган аёллар ҳам кўп китоб ўқийдиган, олий маълумотли қиз қидирадиган бўлди. — Ишлайдиганими, ўқийдиганими, қанақаси керак? — сўрадим қизиким. — Хоҳ ишласин, хоҳ ишламасин. Кўп китоб қурган бўлсин. Ўғлимга яхши муомала қилиб, ҳурматини жойига қўйсин. Набираларимга яхши тарбия берсин. Бизга яна нима керак? Бу гаплардан сўнг ўзимни тафтиш қила бошладим. Ўқиган китобларим озмасмикан, деган андишага бордим. Қадрдон бу опанинг қарашларидаги



ўзгаришга сабаб бўлган келинни кўргим келди. Дарҳақиқат, китоб нур, китоб дўст, китоб яхши маслаҳатчи, сирдош, вақти келса юпанч, овунчоқ. Болалигимда

маҳалламиздаги ҳар бир хонадонда даста-даста газета-журналлар тўплами бўлар эди. Синфдош қизлар билан уларни таллашиб-тортишиб ўқиганимиз ёдимда.

Қуни кеча қўшним кўзлари қизариб чиқди. — Ҳа, нима бўлди, қўшнжон, келинг, — дейишим билан ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Не умидлар билан келин қилган эдим. Совчиликка бормганимда фақат сепини суриштирибману, ақлу одобини, тарбиясини суриштирмабман. Қўшнлари бу хонадондагилар биров мол-мулкка ўчоқ дейишса, эътибор бермабман. Ҳақ аниқ уйимизда ҳар қуни жанжал. Ўғлим ўқимишли йигит бўлгани боис, бундай қизнинг муомаласини кўтармапти. Оёқ-қўли қаққон бўлгани билан иштини миннат қиладиган, йўқ жойдан жанжал излайдиган қиз экан. Ҳой болам, муомалангизни тўғрилан, бизга айтмасангиз ҳам эрингиздан яхши гапларингизни аяманг, десам ҳеч тушунмайди. Қўшнимнинг гапларини тинглаб, мен ҳам уйланиб қолдим. Бир оғиз ширин сўз, кўнглини илтидаган муомала нималарга қодир бўлмайди-я...

— Йиғламанг, ўргилай, Аллоҳдан инсоф сўранг, келинингизни ёнингизга ўтказиб гапиравering. Зора, ўзини тўғри-лаб олса... Ҳа, айтгандай, мана, менинг кутубхонамдаги китоблардан олинг-да, уйига олиб кириб қўйинг. Зора, қўлига олиб ўқиса, дунёқараши биров бўлса-да, ўзгарса...

— Ростдан ҳам китоб ўқиса одам ўзгарармикан... Шу нарса хаёлимга келмаганини қаранг.

— Албатта, ўзгаради. Яхши ният қилин. Ёмон гап билан фақат ўзингиздан узоқлаштирайсиз, холос. Шу боис, яхши ривоятлардан гапириб, китоблардан ўқиб, ширин сўзлар билан келинингизни тарбияланг.

Қўшнимга маслаҳат беряпман, ўз қизимга китоб ўқиниш қачон тавсия қилганимни эслай олмадим. Сиз-чи, азиз газетхон, келинингиз ёки қизингизга ўқиган китобларингиз ва сеvimли қаҳрамонларингиз ҳақида қачон сўзлаб бердингиз? Ёки қизингизнинг сепига энг яхши асарлардан ҳам олиб қўйдингизми...?

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 1917.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳас: Милоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 00:20 Топширилди — 01:05